

Бурҳонуддин Ахмедов,
Ўзбекистон халқаро
ислом академияси
мустақил тадқиқотчиси



АБУ БАКР ЖАССОСНИНГ «АҲКАМ АЛ-ҚУРЪАН» АСАРИДАГИ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАР

Ислом таълимотида одоб-ахлоқ масаласи катта аҳамият касб этади. Шу боис таниқли мусулмон олимлари нафақат одоб-ахлоқ мавзусида қалам тебратишган, балки ўзлари ҳам гўзал хулқ ва юксак маънавият борасида бошқаларга ўрнак бўладиган даражада ҳаёт кечирганлар. Жумладан, Абу Бакр Жассоснинг ҳаёт ва ижодида гўзал хулқ ва намунали одоб мисоллари яққол кўзга ташланиб туради. Тарихий манбаларда олимнинг юксак ахлоқий хислатларга эга экани таъкидланади. Айниқса, олимнинг ўзгалар ҳақидан ҳазар қилиши, дунёнинг кераксиз ишларидан ўзини четга олиши – бир сўз билан айтганда, зоҳидлик ва тақводорлиги тарихда ўзифодасини топган. Зоҳидлик ва тақво тасаввуфдаги энг шарафли ва буюк мақомлардан саналади. Имом Ғаззолийнинг таърифига кўра, зоҳидлик деганда бирор нарсага бўлган рағбатдан воз кечиб, унданда яхшироғига рағбат қилиш тушунилади. Яъни дунё ҳирсидан юз ўгириб, охиратга рағбат қилган одам тасаввуфда зоҳид деб юритилади. Вараъ ва тақво эса гуноҳлардан сақланиш демакдир¹. Абу Бакр Жассоснинг зоҳид-

лигини деярли барча тарихчи олимлар эътироф этганлар. Жумладан, Хатиб Бағдодий уни «Зоҳидликда машҳур эди», дея таърифлаган². Шамсуддин Заҳабий унинг зоҳидлик ва обидлигига бир мисол келтиради: «Абу Бакр Жассос илми етук олим бўлиш билан бирга зоҳид ва обид эди. Унга икки марта қозилик лавозими таклиф қилинганда қабул қилмаган. Розийнинг ҳоли – мақоми роҳибларнинг ибодатдаги мартабасидан ҳам зиёда эди»³.

Лекин Абу Бакр Жассоснинг мазкур фикр ва ақидалари дунё лаззатларидан буткул юз ўгириш лозим, деган хулосани бермайди. Абу Бакр Жассос ҳалол ва яхши ризқларни ўзига ҳаром қилиб олган, деган ҳаёлга бориш мутлақо нотўғри. Абу Бакр Жассос шу маънода зуҳд ва тақво қилганки, у дунё лаззатлари ва ҳалол ризқларни ҳаётнинг асосий мақсади ҳамда яшашдан кўзланган энг муҳим ғоя деб ҳисобламаган. Шу билан бирга, Абу Бакр Жассос машаққат ила эгаллаган илм-маърифатидан дунёнинг ўткинчи матоҳ ва зийнатларига эри-

¹ Қаранг: Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихё улум ад-дин. Ж.4. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1998. – Б. 189.

² Қаранг: Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Али ал-Хатиб ал-Бағдодий. Тарих Бағдод. Ж.5. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 2011. – Б. 72.

³ Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.12. – Қоҳира: Дар ал-ҳадис, 2006. – Б. 344.

шишда восита сифатида фойдаланишдан бош тортган, холос. Ҳалол ризқлардан баҳраманд бўлиш зуҳд ва тақвога тўғри келмайди, дейдиганлар фикрига Абу Бакр Жассос қўшилмаган. Буни олимпнинг куйидаги оят тафсирида келтирган сўзларидан ҳам билиб олиш мумкин: **«Эй, имон келтирганлар! Сизлар учун Аллоҳ ҳалол қилиб қўйган нарсаларни ҳаромга чиқармангиз ва ҳаддан ошмангиз! Зеро, Аллоҳ ҳаддан ошувчиларни ёқтирмайди»** («Моида» сураси, 87-оят). Абу Бакр Жассос мазкур оятни куйидагича изоҳлайди: «Оятдаги «ҳалол қилиб қўйган нарсалар» ибораси лаззат бағишлайдиган, иштаҳа қўзғайдиган ва қалб мойил бўладиган нарсаларга, шунингдек, ҳалол нарсаларга нисбатан қўлланилади. Мазкур оятда ҳар иккала маъно ҳам назарда тутилган, дейиш жоиз»⁴. Абу Бакр Жассос оятга доир бир қатор ҳадис ва ривоятларни келтиргач, шундай дейди: «Бу оят гўшт ва лаззатли таомларни истеъмол қилиш зоҳидликка тўғри келмайди, деганларнинг сўзи бекор ва нотўғри эканини кўрсатади. Зеро, Аллоҳ таоло бошқа оятда бу лаззатли таомларни ҳаром деб эътиқод қилишдан қайтариб, уларнинг мубоҳ эканини таъкидлаган: **«Аллоҳ сизларга ризқ қилиб берган нарсаларнинг ҳалол ва покларини тановул қилингиз ва ўзларингиз имон келтирган Аллоҳдан қўрқингиз!»** («Моида» сураси, 88-оят)⁵. Бу оят шунга далолат қиладики, ҳалол ризқлардан тийилишда ҳеч бир фазилат йўқ. Абу Мусо Ашъарий (р.а.) шундай ривоят қилади: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг товук гўшти еганларини кўрдим»⁶. Бошқа бир ривоятда Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг хурмо ва тарвуз еганлари ривоят

қилинган⁷. Ғолиб ибн Абдуллоҳ (а.р.) Нофеъ ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисга кўра, Расулуллоҳ (с.а.в.) товук гўшти емоқчи бўлсалар, товукни уч кун қамаб, унга дон берар, сўнг ер эдилар»⁸.

Абу Бакр Жассос ўз асарларида ҳам одоб-ахлоқ масаласига алоҳида эътибор қаратади. Олим гўзал хулқнинг нақадар улуғ хислат эканини таъкидлаб, сўзларини куйидаги ҳадислар орқали қувватлайди: «Қиёмат кунида мўминнинг тарозисидаги энг оғир нарса – гўзал хулқдир». Ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинган ушбу ҳадисда куйидагиларни ўқиш мумкин: «Бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.) дан: «Мўминларнинг қайси бири афзалдир?», деб сўради. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Хулқи энг гўзалидир», деб жавоб бердилар». Абу Ҳурайра (р.а.)дан бу ҳақда шундай ҳадис ривоят қилинган: «Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: «Албатта, сизлар одамларни мол-давлатингиз билан эгаллай олмайсизлар. Балки уларни очик юз ва гўзал хулқ билан забт этасизлар»⁹.

Абу Бакр Жассос (а.р.) куйидаги оятни шарҳлар экан: **«Аллоҳ бирингизни бирингиздан бирор неъмат билан ортиқ қилиб қўйган бўлса, сизлар уни (ҳасадгўйлик билан) орзу қилманг!»** («Нисо» сураси 32-ояти), фойдасиз орзу-ҳавас ва ҳасаднинг ёмон хулқ эканини таъкидлаб, бу борада Қатода (а.р.)нинг Ҳасан (а.р.)дан қилган куйидаги ривоятини келтиради: «Ҳеч ким мол-давлатни орзу қилмасин. Чунки инсон билмайдик, орзуидаги ўша мол-давлат унинг ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин». Абу Бакр Жассос ушбу мавзу доирасида ўз фикрларини билдириб, шундай дейди:

⁷ Қаранг: Абу Довуд. Сунан Аби Давуд. «Таомлар» китоби, «Икки хил таомни қўшиб ейиш» боби; Имом Термизий. «Таомлар» китоби, «Тарвуз ейиш ҳақида келган ривоятлар» боби. Термизий бу ҳадисни ҳасан ғариб деган; Ибн Можа. Сунан Ибн Можа. «Таомлар» китоби, «Бодринг ва хурмони қўшиб ейиш» боби; Ибн Ҳиббон. Саҳиҳ Ибн Ҳиббон. «Таомлар» китоби, «Ейиш одоблари» боби.

⁸ Қаранг: Ибн Абу Шийба. Ал-Мусаннаф. «Таомлар» китоби, «Ҳўкиз гўшти» боби. Ибн Ҳажар мазкур ҳадиснинг иснодини саҳиҳ санаган.

⁹ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳкам ал-Қуръан. Ж.3. – Байрут: Дар ал-фикр, 2008. – Б. 58-59.

⁴ Абу Бакр Жассос. Аҳкам ал-Қуръан. Ж.2. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 401.

⁵ Қаранг: Ўша манба. – Б. 402.

⁶ Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий. «Сўйилладиган жонлиқлар» китоби, «Товук гўшти» боби; Имом Муслим. Саҳиҳ Муслим. «Қасамлар» китоби, «Нудб» боби. Шунингдек, бошқа муҳаддислар ҳам мазкур ҳадисни таҳриж қилганлар.

«Аллоҳ таоло бизларни ўзгаларга берилган фазилатларни ҳасад маъносида орзу қилишдан қайтарган. Агар мазкур фазилатларнинг бизга фойдаси бўлганида, Аллоҳ таоло бизга ҳам ато қилар эди. Аллоҳнинг бизга бу фазилатларни бермагани Унинг бахиллигидан эмас, албатта. Балки ундан-да яхшироқ фазилатларни ҳозирлаб қўйганидандир»¹⁰.

Абу Бакр Жассос ноўрин орзу, яъни ҳасад ҳақида шундай мулоҳазаларни билдиради: «Шунингдек, мазкур оятда ҳасаднинг ҳаром амал эканига ҳам ишора бор. Ҳасад – ўзгача бирор неъматнинг завол топиб, ўзида пайдо бўлиб қолишини орзу қилиш демакдир. Бу ҳақда Абу Ҳурайра (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган: «Киши ўз биродарининг совчилиги устига совчи қўямасин, ўз биродарининг савдоси устига савдо қилмасин». Олим мазкур ҳадис юзасидан фикр билдириб, шундай дейди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) келин тараф рози бўлиб, тўй белгилангандан сўнг бировнинг совчилиги устига совчи қўйишдан қайтарганлар. Шунингдек, У зот бировнинг савдоси устига савдо қилишдан ҳам қайтарганлар. Аллақачон бировнинг мулкига айланиб бўлган нарсани ўзида ҳосил бўлиб қолишини орзу қилган одам ҳақида нима дейсиз?! Суфён (а.р.) Зухрий (а.р.)дан, У Солим (а.р.)дан, у эса отасидан шундай ривоят қилади: «Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: «Ҳасад фақат икки нарсада жоиздир: Аллоҳ мол ато қилган ва уни кеча-ю кундуз инфоқ қилган кишига ҳамда Аллоҳ Қуръон ато қилган ва кеча-ю кундуз уни тиловат қилган кишига (ҳасад қилиш мумкин)»¹¹.

Абу Бакр Жассос юқоридаги фикрларини умумийлаштириш ва мазкур ҳадислар орасидаги зоҳирий номутаносибликни мувофиқлаштириш мақсадида қуйидагича хулоса қилади: «Орзу-ҳавас икки хил бўлади. Биринчиси шуки, киши бировга берилган неъматнинг завол топишини орзу қилади. Бу ҳасад бўлиб, шариатда ундан қайтарилган. Иккинчи-

си шуки, киши бировга берилган неъматнинг ўхшашини ўзида ҳам бўлишини орзу қилади, лекин мазкур неъматнинг биродаридан завол топишини истамайди. Бу маслаҳа – манфаат кўзланган ўринларда маҳзур (қайтарилган) амал саналмайди. Шунингдек, содир бўлиши мумкин бўлмаган нарсаларни орзу қилиш ҳам қайтарилган орзулар сирасига киради. Масалан, аёл кишининг эркак киши бўлишини орзу қилиши шулар жумласидандир»¹².

Абу Бакр Жассос раҳбарларга итоат ва олимларга ишончда бўлишга чақириб, қуйидаги оятни шундай тафсир қилади: **«Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз, Пайғамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) бошлиқларга итоат этингиз! ...»** («Нисо» сураси, 59-оят) оятидаги «бошлиқлар» сўзининг маъноси борасида турли фикрлар билдирилган. Жумладан, Жобир ибн Абдуллоҳ, Ибн Аббос (р.а.)лар ва Ҳасан, Ато ҳамда Мужоҳид (а.р.)лардан қилинган ривоятга кўра, улар фақиҳ ва олимлардир. Абу Ҳурайра (р.а.) ривояти, шунингдек, Ибн Аббос (р.а.)дан қилинган бошқа бир ривоятда айтилишича, улар сария – қўшин амирларидир. Оятда мазкур фикрларнинг ҳар иккиси ҳам назарда тутилган, десак хато бўлмайди. Чунки оятдаги «улул-амр» ибораси юқоридаги иккала маънони ҳам ўзига қамраб олади. Зеро, амирлар қўшин ва аскарлар ишини тартибга солиш билан шуғуллансалар, олимлар шариатни муҳофаза қилишни ўз бўйинларига оладилар. Аллоҳ таоло ҳар икки тоифага итоат қилиш ва уларнинг сўзларини қабул қилишга буюрган. Расулуллоҳ (с.а.в.) ўз ҳадисларининг бирида шундай дейди: «Ким Менинг амиримга итоат қилса, Менга итоат қилган бўлади»¹³.

Абу Бакр Жассос инсонларни гўзал одоб ва хулқларга чақиришда ибратли ҳикоялардан ҳам унумли фойдаланганлигини кўриш мумкин. Жумладан, одамлар ҳақида яхши гумонда бўлиш

¹⁰ Ўша манба. – Б. 259 – 260.

¹¹ Ўша манба. – Б. 260.

¹² Қаранг: Ўша манба. – Б. 260.

¹³ Ўша манба. – Б. 298.

ва илмсиз ҳамда асоссиз тарзда хуло-са чиқаришдан эҳтиёт бўлиш ҳақида қуйидаги ривоятни мисол тариқасида келтиради: «Ривоят қилишларича, бир киши совут ўғирлайди ва фош бўлишдан қўриқиб, уни бир яҳудийнинг уйига ташлаб қўяди. Совут топилгач, унинг эгаси яҳудийни ўғриликда айблайди. Бу орада ҳақиқий ўғри ҳам яҳудийни айбдор сифатида кўрсатади. Бир гуруҳ мусулмонлар воқеадан хабар топгач, улар ҳам яҳудийга қарши тарафдан ўрин олдилар. Натижада бу масала Расулуллоҳ (с.а.в.)гача етиб борди. Ҳатто Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам мусулмонлар тарафга мойил бўла бошлайдилар. Шунда Аллоҳ таоло қуйидаги оят орқали ҳақиқатни юзага чиқариб, чин ўғрини фош қилди ва яҳудийни оқлади: **«... Хиёнатчиларга эса, ҳимоячи бўлманг!»** («Нисо» сураси 105-оят)». Абу Бакр Жассос мазкур ривоят юзасидан ўз фикрларини билдириб, шундай дейди: «Бу ҳодиса шунга далолат қиладики, ишнинг асл моҳиятини билмай туриб, биров билан хусуматлашиш, бировни айблаш ва ноҳақ ёки шубҳали одамнинг ёнини олиш жоиз эмас»¹⁴.

Қуръон тиловати ислом динида ибодат саналади. Қуръон илоҳий калом бўлиб, тош қалбларни эритади, қотган кўнгилларни юмшатади. Шу боис баъзи ихлосли инсонлар Қуръон тиловатини тинглаганда ёки уни ўқиганда беихтиёр кўзларига ёш оладилар. Афсуски, баъзи ҳолатларда риёкорлик билан ўзини телбалардек тутиб, Қуръондан таъсирланаётганини билдиришга уринади-ганлар ҳам йўқ эмас. Аслида эса, бу борада ҳам мўътадил йўл тутиш мақсадга мувофиқдир. Абу Бакр Жассос мазкур мавзу юзасидан ҳам ўз фикрларини билдирган. Алломанинг таъкидлашича, Аллоҳдан қўриқиб йиғлаш намозни бузмайди. Чунки Аллоҳ таоло саждада йиғлаганларни мадҳ қилган («Исро», 109 ва «Марям», 58). Мазкур оятлардаги «сажда» сўзидан намоз, тиловат ҳамда шукр саждаси каби барча саждалар назарда тутилган. Абдуллоҳ ибн Шаддод шундай ривоят қилади: «Умар (р.а.) имомлигида

бомдод намозини жамоат бўлиб ўқиётган эдик. Мен охирги сафда эдим. Умар (р.а.) қуйидаги оятга етганида хўнграб йиғлаб юборди: **«У айтди: «Мен ғаму ташвишларимдан ёлғиз Аллоҳгагина шикоят қилиб йиғламоқдаман ...»** («Юсуф», 86). Мен унинг хўнграганини эшитдим».

Умар (р.а.)нинг бу ишини ҳеч бир саҳоба инкор қилмади. Ҳолбуки, Умар (р.а.)нинг ортида кўплаб саҳобалар бор эди. Намозда йиғлашнинг жоизлиги шу тарзда ижмоъга айланган. Шунингдек, ҳадисларда ривоят қилинишича, Расулуллоҳ (с.а.в.) намоз ўқиганларида йиғлар ва У зотнинг кўкракларидан қозондаги сув қайнаганда чиқадиган овозга ўхшаш товуш эшитилар эди. Саждада йиғлаш хушў (қалбнинг қўрқинчи)ни янада зиёда қилади. Мазкур оятларда яна шунга далил борки, Аллоҳдан қўриқиб йиғлаш Аллоҳга итоат этиш ва Унга ихлос билан ибодат қилишга чорлайди. Аллоҳ муваффақ қилувчи зотдир!¹⁵

Шунингдек, «Аҳкам ал-Қуръан» асарида оилавий масалаларга, хусусан, оила мустаҳкамлигига қаратилган фикрларни ҳам учратиш мумкин. Жумладан, оилада аёлларнинг ўрни ва уларга эҳтиром кўрсатиш мавзусида қуйидагича фикр билдирилган: «Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилган: **«... Улар (аёллар) билан тинч-тотув яшанглари! ...»** («Бақара» сураси, 229-оят). Ушбу оятдаги «тинч-тотув» ибораси араб тилида «маъруф» сўзи билан ифодаланади. Аллоҳ таоло эрларни ўз аёлларига маъруф билан муомала қилишга буюрмоқда. Маъруф яхшилиқ маъносида бўлиб, эр ўз хотинининг маҳр ва нафақа каби ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ адо қилиши, унга қўпол сўзлар билан озор бермаслиги, хотинидан юз ўгириб, бошқасига мойил бўлмаслиги, ҳеч қандай узрли сабабсиз юзига хўмрайиб ва қовоғини солиб қарамаслиги ҳамда шу каби хайрли ишларда намоён бўлади»¹⁶.

¹⁵ Қаранг: Абу Бакр Розий Жассос. Аҳкам ал-Қуръан. Ж.3. – Байрут: Дар ал-фикр, 2008. – Б. 310 – 311.

¹⁶ Қаранг: Ўша манба. Ж.2. – Б. 157.

¹⁴ Ўша манба. – Б. 392.

Абу Бакр Жассос «Аҳкам ал-Қуръан» асарида бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва тотувликка чақириб, одамлар орасини ислоҳ қилиш, эр-хотинни яраштириш ва шу каби эзгу ишларнинг улкан савобли амал эканига урғу бериб, ушбу мавзу доирасидаги баъзи қонун-қоидаларни ҳам баён қилиб ўтади. Жумладан, аллома оятларни шарҳлар экан шундай дейди: «Аллоҳ таоло шундай деган: **«Уларнинг кўп махфий суҳбатларидан — агар садақа беришга ё бирон яхшилик қилишга ёки одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буюрган бўлмасалар — ҳеч қандай фойда йўқдир. Ким Аллоҳ ризосини истаб бу ишларни қилса, унга улуғ мукофот беражакмиз»** («Нисо», 114).

Ушбу оятда одамлар орасини ислоҳ қилиш, яъни уларни яраштириб қўйиш фойдали ва савобли ишлардан экани таъкидланган. Аллоҳ таоло бир қатор оятларда одамлар орасини, шунингдек, эр-хотин орасини ислоҳ қилишга чақирган. Абу Дардо (р.а.)дан қуйидаги ривоят келтирилади: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Сизларга рўза, намоз ва садақанинг энг афзал даражаси ҳақида хабар берайми?», дедилар. Саҳобалар: «Ҳа, Ё Расулуллоҳ (с.а.в.)!», деб жавоб қайтаришди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Одамлар орасини ислоҳ қилиш! Одамлар орасини бузиш эса қирувчидир!», дедилар. Яъни, одамлар орасини бузиш, жамиятда фитна ва фасод тарқатиш устара сочни қирганидек, одамлардан динни юлиб олади. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, одамларни яраштиришда фақат Аллоҳнинг розилигини ният қилмоқ зарур. Бошқалардан қўрққани ёки раҳбарлардан топшириқ олгани учун инсонлар орасини ислоҳ қилиш билан юқоридаги савобларга эришиб бўлмайди»¹⁷.

Шунингдек, Абу Бакр Жассос ўз асарида ота-онага яхшилик қилиш, бахилликдан тийилиш, оилани мустаҳкамлаш, аҳиллик, болалар одоби ва бошқа шу каби бир қатор ахлоқий масалаларни кенг ёритишга ҳаракат қилган. Олимнинг мазкур одоб-ахлоқ масалаларига берган шарҳлари ҳозирги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган.

¹⁷ Қаранг: Абу Бакр Жассос. Аҳкам ал-Қуръан. Ж.2. – Байрут: Дар ал-фикр, 2008.– Б. 395 – 396.